

назорат вариантга нисбатан 9,8-15,4 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (9,8 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (15,4 см) ўсиши, N_{120} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 35,4-53,3 см, назорат вариантга нисбатан 12,7-21,2 см юқори, “Амиго” навида энг кам (12,7 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (21,2 см) ўсиши, N_{150} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 39,8-59,2 см, назорат вариантга нисбатан 17,0-27,1 см юқори, “Амиго” ва “Селекта-201” навларида энг кам (17,0 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (27,1 см) ўсиши кузатилган.

Ушбу кўрсаткич гуллаш фазасида таҳлил қилинганда назорат вариантда 33,8-53,6 см бўлиши, энг паст бўйли ўсимлик “Амиго” ва энг баланд бўйли ўсимлик “Ойжамол” нави экинлиги аниқланди.

Шунингдек, N_{60} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 48,3-72,0 см, назорат вариантга нисбатан 13,9-18,3 см юқори, “Тўмарис-МАН-60” навида энг кам (13,9 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (18,3 см) ўсиши, N_{90} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 52,2-78,8 см, назорат вариантга нисбатан 18,5-25,2 см юқори, “Амиго” навида энг кам (18,5 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (25,2 см) ўсиши, N_{120} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 56,1-85,5 см, назорат вариантга нисбатан 21,6-31,8 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (21,6 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (31,8 см) ўсиши, N_{150} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 60,0-92,73 см, назорат вариантга нисбатан 25,8-39,0 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (25,8 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (39,0 см) ўсиши кузатилган.

Вегетация охирида соя навларининг бўйи баландлиги таҳлил қилинганда, назорат вариантда хорижий “Амиго” ва

“Селекта-201” навлари паст (40,5-41,5 см) навлар эканлиги аниқланди.

Шунингдек, маҳаллий шароитда яратилган “Тўмарис-МАН-60” ва “Ойжамол” навлари эса, баланд бўйли 58,2-70,0 см бўлиши аниқланди.

Азотли минерал ўғитлар 60 кг/га қўлланилган вариантда ўсимлик бўйи 54,6-92,1 см бўлиб, назорат вариантга нисбатан “Амиго” навида энг кам (13,1 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (22,1 см) ўсиши кузатилди.

Шунингдек, N_{90} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 60,0-100,3 см, назорат вариантга нисбатан 19,5-30,3 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (19,5 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (30,3 см) ўсиши, N_{120} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 63,8-109,5 см, назорат вариантга нисбатан 23,3-39,5 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (23,3 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (39,5 см) ўсиши, N_{150} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 68,1-116,3 см, назорат вариантга нисбатан 27,6-46,3 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (27,6 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (46,3 см) ўсиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, соя навлари бўйининг баландлиги навнинг хусусий белги хусусиятларига кўра ўзгарган. Шунингдек, соя навларини азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилиши амалга оширилмаганда энг паст бўлиши ва азотли минерал ўғитлар билан 150 кг/га ҳисобида озиклантирилганда энг баланд бўлиши аниқланди. Буни соя навларининг Қашқадарё вилояти тупроқ иқлим шароитларида азотли минерал ўғитларга талабчанлиги юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ёрматова Д., Мамлакатимизда соя етиштириш хусусида хулосалар. Экологиямиз фидойиси. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 1-сон, 2019. 20-21-б.
2. Никляев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства Земледелие и растениеводство Учебник Москва Былина 2000. –Б. 356-359.
3. Мухина М.Т. Применение регуляторов роста комплексного действия на урожайность и качество сои сорта Вилана / М.Т. Мухина // «Агроэкологические основы применения удобрений в современном земледелии» / матер. Междунар. науч. конф. молодых ученых, специалистов-агрохимиков и экологов (ВНИИА). – М.: ВНИИА, 2015. – С. 149–152.

УЎТ: 633.14:631.51

ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГИ ЭКИШ МУДДАТИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Исмоилов Воҳид Исропилович,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети
таянч докторанти,

Турсунов Шермухаммад Нурмаматович,
ДДЭТИ Самарқанд ИТС директори.

Аннотация. В данной статье рассмотрены влияние сроков посева и норм минеральных удобрений на высоту растений, число продуктивных стеблей, массу 1000 семян и урожайность. Высокая урожайность наблюдалась у сортов Вахиская 116 и Шалол, что составила 63,5 и 66,6 т/га в варианте с использованием норм удобрений $N180P110K90$ кг/га и оптимальным сроком посева 15 октября. Отмечено, что урожайность была на 36,3 и 39,0 ц/га выше контрольного (без удобрений) варианта.

Abstract. The article describes the influence of rye varieties in combination with sowing dates and application rates of mineral fertilizers on plant height, number of productive stems, weight of 1000 grains and grain yield. The highest grain yield

in varieties Vakhshskaya 116 and Shalola was 63.5 and 66.6 t/ha in the option of using N180P110K90 kg/ha, the optimal sowing date is October 15. It was noted that it was 36.3 and 39.0 t/ha higher than the control (without fertilizers) variant.

Самарқанд вилояти шароитида шу минтақага мос, эртапишар, серҳосил ва юқори сифатли дон берадиган кузги жавдар навларини мақбул экиш муддати ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қишлоқ хўжалигида истиқболли технологияларни яратиш ва жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш, жумладан янги навларни танлаш ва етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Жавдар унидан тайёрланган нон хуштаъмлиги жиҳатидан бугдой унидан тайёрланган нонлардан фарқ қилади. Унинг таркибида қимматли оқсил ва дармондорилар мавжуд.

Россиялик олимлар С.И.Новоселов, Н.И.Толмачев, А.В.Муржинова [2; 14-15 б] кузги жавдарни тоза шудгорга экиб ўрганишганда, ўғитсиз вариантда дон оқсили 10,5 %, 1000 та дон массаси 28,5 г, дон натураси 744 г/л бўлган бўлса, гектарига $N_{56}P_{35}K_{93}$ кг қўлланилган вариантда дон оқсили 10,8 %, 1000 та дон массаси 29,3 г, дон натураси эса 746 г/л бўлганлиги аниқланган.

О.В.Чухина [4; 29-б] томонидан ўтказилган тажрибаларда минерал ўғитлар меъёрини ортиши билан кузги жавдарнинг дон ҳосилдорлиги ҳам ошиб борганлиги аниқланган. Назорат вариантда 3,27 тонна, гектарига $N_{12}P_{16}K_{16}$ кг қўлланилганда 4,22 тонна, гектарига $N_{90}P_{40}K_{100}$ кг қўлланилганда 4,99 тонна, гектарига $N_{90}P_{40}K_{120}$ кг қўлланилганда эса 5,48 тонна дон ҳосилдорлиги олинган.

Россия қишлоқ хўжалик академиясининг шимолий – шарқий қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида Е.И. Уткина ва бошқалар [3; 40-б] томонидан ўтказилган илмий -тадқиқот натижаларига кўра, кузги жавдарнинг Фаленская-4 нави 20-25-30 август ва 5 сентябрларда экиб ўрганилганда энг юқори ҳосил 25 августда экилган вариантда (5,87 т/га) аниқланган.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида ўтказилди. Тажриба объекти жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларини 1октябрь, 15 октябрь ва 1 ноябрь муддатларда экилди. Жавдарнинг озиқ моддаларга бўлган талабини қондириш мақсадида маъданли ўғитлардан аммиакли селитра- NH_4NO_3 (N-33-34,6 %), аммофос- $NH_4H_2PO_4$ (N-11-12 %, P_2O_5 -44-46 %) ва хлорид –KCl (K_2O -53,7-60,0%) қўлланилди. Улар қуйидаги меъёрларда ўзаро таққосланиб ўрганилди, N-120, 150, 180, P-70, 90, 110, K-60, 75, 90, кг. Экиш меъёри 4,0 млн. дона унучан уруғ ҳисобида ўтказилиб, тажрибалар 3 қайтариқли, ҳисобга олинандиган пайкаллар катталиги 50 м² қилиб жойлаштирилди.

Тажриба Б.А.Доспеховнинг (1982) «Дала тажрибалари олиб бориш методикаси» га асосан олиб борилади.

Тадқиқот натижалари. Жавдар навларининг бўйи баландлиги ва унинг ётиб қолишга чидамлилиги, экиш муддатлари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгарди.

Экиш муддатларининг 1 октябрдан 1 ноябргача кечикиши натижасида ўсимликлар бўйининг пасайиши, ўғитлаш меъёрларининг ошиб бориши эса мос равишда ўсимлик бўйининг баланд бўлишига олиб келди. Ўсимлик бўйи энг

паст кўрсаткичи назорат вариантда кузатилган бўлиб, бунда экиш 1 октябрда навларга мос равишда 120,1; 125,5 см, 15 октябрда 117,4; 121,1 см, 1 ноябрда эса 108,2; 114,0 см бўлганлиги аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларини назорат вариантга нисбатан гектарига $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг қўлланилган вариантда навларга мос 10,7; 11,1 см, гектарига $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг қўлланилган вариантда 14,7; 15,3 см, гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг қўлланилган вариантда эса навларга мос равишда 19,9; 19,6 см баланд бўлганлиги аниқланди.

Ўсимлик бўйининг энг баланд бўлиши Вахшская-116 ва Шалола навларида экиш муддати 1 октябрда, ўғитлаш меъёри гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг қўлланилган вариантда навларга мос равишда 140,0; 145,1 см бўлган бўлса, экиш муддати кечикиши (1.11) билан ўсимлик бўйи паст, яъни 127,6; 130,0 см бўлганлиги кузатилди.

Донли экинларнинг ҳосилдорлиги шаклланиши унинг кузги ва баҳорги туплаш фазаси ўтиши ҳамда ҳосил бўлган поялардан маҳсулдор поялар ҳосил бўлиш даражаси билан узвий боғлиқ.

Жавдарнинг 1 м² даги маҳсулдор поялар сонига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатиб, экиш муддати 1 октябрда, назорат вариантыда Вахшская -116 ва Шалола навларига мос равишда 367,0; 381,8 донани, экиш муддати 15 октябрда, навларга мос ҳолди 398,1; 402,1 донани ва кеч 1 ноябрь экилган муддатда 343,2; 351,1 дона бўлганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар меъёрини ошириш жавдар навларини 1 м² даги маҳсулдор поялар сонига ижобий таъсир кўрсатди.

Экиш муддати 15 октябрда экилган ва гектарига $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг минерал ўғитлар қўлланилган вариантыда Шалола навида Вахшская-116 навида нисбатан 1 м² даги маҳсулдор поялар сони 5,8 донага, $N_{150}P_{90}K_{75}$ вариантыда 16,9 донага ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантыда эса, 16,4 донага кўп бўлиши аниқланди. Экиш муддатлари кечикиши билан 1 м² даги маҳсулдор поялар сонининг камайиб борганлиги кузатилди.

Тадқиқотларимизда жавдарнинг Вахшская -116 ва Шалола навларида 1000 та дон массаси ва битта бошоқдаги дон массасига экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Жавдар навлари эртаги муддатда, яъни 1 октябрда экилганда 1000 та доннинг массаси назорат вариантда навларга мос равишда 22,9; 23,0 г. ни ташкил этиши кузатилди. Айни шу муддатда ўғитлаш меъёри $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг/га қўлланилган вариантыда 25,7; 26,1 г, $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантыда 27,0; 27,3 г ва $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантыда эса 25,4; 28,7 г бўлиши кузатилди.

Жавдарнинг битта бошоқдаги дон массаси экиш муддатлари кечикиб бориши билан унинг массаси камайиши кузатилди. Экиш кеч (1.11) бўлган вариантларда эрта муддатда (1.10) экилган вариантларга нисбатан навларга мос равишда 0,08; 0,05 г, 0,18; 0,09 г, 0,16; 0,09 г, 0,12; 0,08 г га кам бўлиши аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 навини 1 октябрда экилган муддатда минерал ўғитлар меъёри ошиб бориши билан ўсимликлар ётиб қолиши, 1000 та дон массаси ва битта бошоқдаги дон массаси кам бўлишига олиб келди.

Тажрибада ўрганилган жавдарнинг Шалола навини 1000 та дон массаси экиш муддатлари кечиқиши билан камайиб борган бўлса, минерал ўғитлар меъёрларининг ошиши билан эса бу кўрсаткич ортиб бориши аниқланди. Қулай об-ҳаво ва азот билан озиқланиш етарли шароитларда 1000 та дон массаси ошади.

Дехқончиликда қўлланиладиган ҳар қандай агротехнологик тадбир ўсимлик ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Жавдарнинг дон ҳосилдорлиги навларнинг биологик хусусиятлари, экиш муддати ва минерал ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда ўзгарди. Дон ҳосилдорлиги энг кам бўлган вариантлар бу албатта назорат вариантларида бўлиб, Вахшская-116 ва Шалола навларида 1 октябрь экиш муддатида навларга мос равишда ўртача 25,9; 26,9 ц/га, 15 октябрда ўртача 26,9; 27,6 ц/га ва 1 ноябрь экиш муддатида эса ўртача 21,9; 23,3 ц/га бўлиши кузатилди.

Минерал ўғитлар меъёрини ошириш дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, бу кўрсаткич 1 октябрда экилган назорат вариантыга нисбатан гектарига $N_{120}P_{70}K_{60}$ кг ўғит қўлланилган вариантыда навларга мос равишда 23,4; 25,0 ц/га, гектарга $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг ўғит қўлланилган вариантыда 29,7; 27,3 ц/га ва гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг ўғит қўлланилган вариантыда эса 29,5; 27,3 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди. Экиш муддати 15 октябрда ўтказилган вариантларда дон ҳосили назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитлар меъёри ва навларга мувофиқ ҳолда 25,7; 29,0 ц/га, 30,7; 35,1 ц/га ҳамда 36,6; 39,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган бўлса, 1 ноябрь экиш муддатида ўтказилган вариантларда эса 15,3; 18,8 ц/га, 19,1; 21,1 ц/га, 22,6; 24,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олинганлиги аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 навини энг юқори дон ҳосилдорлиги 15 октябрда экилган вариантларда кузатилиб, минерал ўғитлар қўлланилган вариантларга мос ҳолда ўртача 52,4; 57,6 ва 63,5 ц/га бўлган бўлса, Шалола навида ҳам 15 октябрь экиш муддатида энг юқори ҳосил кузатилди, ўғитлаш меъёрларига мос ҳолда ўртача 56,6; 62,7 ва 66,6 ц/га бўлганлиги аниқланди. Демак, жавдарнинг Вахшская-116 нави, Шалола нави нисбатан дон ҳосилдорлиги ўғитлаш меъёрларига мос равишда 4,2; 5,1 ва 3,1 ц/га кам бўлганлиги қайд этилди. Шалола нави дон ҳосили 15 октябрь экиш муддатида, кечки 1 ноябрь экиш муддатида нисбатан минерал ўғитлаш меъёрларига мос равишда 14,5; 18,3 ва 19,2 ц/га кўп ҳосил олинди.

Минерал ўғитларни кўп меъёрда қўллаш қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини оширсада, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари минерал ўғитлар нархини ҳисобга олиш лозим.

Биз олиб борган тажрибаларда жавдарнинг Шалола навида экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларини иқтисодий самарадорлик таҳлили шуни кўрсатадики, 01.10 муддатда $N_{120}P_{70}K_{60}$ вариантыда назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 2163,8 минг сўм соф фойда олинган бўлса, рентабеллик даражаси 33,1 % га юқори бўлган. Ушбу навда энг юқори соф фойда ва рентабеллик 15.10 муддатда $N_{150}P_{90}K_{75}$ қўлланилган вариантда 3561,1 минг сўм ва 60,7 % ни ташкил этди. Соф фойда ва рентабеллик даражаси бўйича энг паст кўрсаткич ушбу навда ҳам кечки (01.11) муддатда экилганда қайд этилди.

Жавдарнинг ҳар иккала навида ҳам 1 тонна дон тан-нархи 15.10 муддатда $N_{150}P_{90}K_{75}$ қўлланилган вариантларда (Вахшская-116 – 100,4 минг сўм ва Шалола – 91,6 минг сўм) аниқланди.

Хулосалар:

1. Жавдарнинг бўйи экиш муддатларининг кечиқиб бориши билан камайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги ошганлиги, ўғит меъёрларини ошиб бориши билан кўпайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги пасайганлиги аниқланди. Шалола нави Вахшская -116 нави нисбатан ўсимликнинг бўйи баланд бўлгани билан ётиб қолишга мойиллиги ушбу навда кам эканлиги аниқланди.

2. Жавдарнинг мақбул экиш муддати ҳисобланган 15 октябрда ҳар иккала навда ҳам энг юқори 1 м² даги маҳсулдор поялар сони навларга мос равишда 545,8; 562,2 дона, $N_{180}P_{110}K_{90}$ қўлланилган вариантыда ҳосил бўлганлиги аниқланди. Худди шу экиш муддатида бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги донлар сони ва 1000 та дон массаси каби кўрсаткичлар ҳам юқори бўлиши аниқланди.

3. Жавдар (энг мақбул экиш муддати) 15 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги бошқа экиш муддатларига нисбатан ошган. Ушбу муддатда минерал ўғитлар меъёри ошиб бориши билан навларнинг дон ҳосилдорлиги ҳам ошган. Энг юқори дон ҳосилдорлиги $N_{180}P_{110}K_{90}$ вариантыда кузатилган бўлиб бунда навларги мос равишда ўртача 63,5; 66,6 ц/га бўлди. Энг кам дон ҳосилдорлиги барча муддатларда (назорат) ўғитсиз вариантларида кузатилди.

4. Жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларидан иқтисодий самарали, сифатли дон ҳосили етиштириш учун экишни октябрь ойининг иккинчи декадасида ўтказиб, минерал ўғитни гектарига $N_{150}P_{90}K_{75}$ кг қўллаш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. / Б.А.Доспехов - М.:Агропромиздат, 1985. 351 с
2. Новоселов С.И., Толмачев Н.И., Муржинова А.В. Влияние минеральных удобрений на продуктивность севооборотов с различными видами паров. / С.И.Новоселов, Н.И.Толмачев, А.В.Муржинова // Плодородие. 2014. № 5 (80). С. 14-15.
3. Уткина Е.И. Оптимизация технологических приемов производства зерна озимой ржи. / Е.И.Уткина, Л.И.Кедрова, М.Г.Шамова, Е.С.Парфенова // Достижения науки и техники АПК, №6-2012. С-40.
4. Чухина О.В. Влияние удобрений на вынос элементов питания культурами севооборота в Вологодской области. / О.В.Чухина // Молочнохозяйственный вестник, №4 (32), IV кв. 2018.

“МАССИНО” ДОН ЖЎХОРИ НАВИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ МОРФОБИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Маматқулов Илхом Ибрагимович,

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси.

Аннотация: Мақолада янги яратилган дон жўхорининг “Массино” нави ўсимликларини типик бўз тупроқлар шароитидаги кўрсаткичлари, морфобиологик, яъни униб чиқиши, ўсув даври, ўсимлик бўйи, барг ва бўгин сони, рўвак узунлиги ва ҳ.к.) кўчат қалинлигини ўсиб ривожланиши ва ҳосил шаклланиши кўрсаткичлари, яшил, қуруқ масса ва ҳосилдорлик бўйича стандарт навадан фарқланиш жиҳатлари ёритилган.

Қалит сўзлар: экиш муддати, униб чиқиши, ўсув даври, кўчат сони, яшил, қуруқ масса, дон чиқими, морфобиологик кўрсаткичлар, ҳосилдорлик.

Жўхори экини чўлланиш шароитида шўрланишга, қурғоқчиликка, иссиқликка, ноқулай экологик шароитларга чидамлилиги, юқори маҳсулдорлигини инобатга олиб уларнинг янги нав дурагайлари яратиш ва уруғчилигини ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жўхори ҳосилдорлиги жиҳатидан юқори имкониятларга эга, маҳсулот сифатида универсал даражада фойдаланиш мумкин бўлган экиндр. Бундан ташқари дала деҳқончилигида фойдаланиладиган экинлар ичида қурғоқчиликка, иссиққа чидамлилиги бўйича унга тенглашадигани йўқ.

Жўхорини юқори маҳсулдорлиги, озуқавийлиги ва универсаллиги сабаб, у дунё бўйича истиқболли экинлар қаторига кири-тилган [3; 30-34-б., 8; 288-297-б., 12; 12-14-б., 10; 38-б.].

Ўзбекистоннинг Хоразм воҳаси жўхорининг иккинчи ватани бўлиб, бу ерда 2,5 минг йил илгарида маълум. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жўхорининг асосий экин майдонлари Қорақалпоқистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида жойлашган бўлиб, 20-25 минг.га майдонда етиштирилади [2; 112-202-б.].

Жўхори дони ун, ёрма, крахмал, маҳаллий пиво ва алко-голсиз ичимликлар, бодрок, ширин, барра дончалар-ширин қаламчалар тайёрлашда ишлатилади. Баъзи турларининг ширин поялари овқат тайёрлашда ишлатилади. Жўхори дони таркибини 70-75 % крахмал, 12-13 % протеин, 3,5 % ёғ моддалари ташкил этади.

Ўзбекистондаги маҳаллий оқ донли жўхори навлари донидан юқори қимматли ёрма, ун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда хом-ашё сифатида фойдаланилади [7; 23-25-б., 4; 71-76-б., 11; 109-110-б.].

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йилда Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий – тажриба станцияси илмий ходимлари томонидан яратилган, 2019 йилда Давлат реестрига истиқболли деб киритилган донжўхорини “Массино” навини мақбул кўчат қалинлиги, гектаридан олин-адиган дон ва яшил масса ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича 2019-2021 йилларда илмий-тадқиқот ишлари Тошкент вило-яти, Тошкент тумани, Қўқсарой МФЙда жойлашган станция тажриба хўжалиги майдонида олиб борилди.

Тадқиқот услуби. Тадқиқотлар лаборатория ва дала усулбларида олиб борилди. Тажрибада ЎЗПТИ томони-дан ишлаб чиқилган услублар [5; 48-65 б.]дан, фенологик кузатувлар “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, олинган натижаларини статистик тахлили Б.А. Доспехов [6; 423-б.]. (1985) услубида, тупроқ ва ўсимликларнинг кимёвий таркиби “Методика агро-

химических анализов почв и растений” (1984) услубларидан фойдаланилди. Стандарт сифатида навини қўланилди.

Тажриба майдончаларининг умумий майдони 54,0 м² бўлган майдончаларда, тўрт қатор ва тўрт такрорланишда, кўчат қалинлиги 90, 100, 110 минг/туп ҳисобида ўрганилди. Тажрибада фенологик кўрсаткичлар рўваклаш, гуллаш, сут пишишнинг тўлиқ пишиш давлари белгилаб борилди.

Рўваклаш, гуллаш ва сут пишиш давларида ҳар бир кўчат қалинлиги экилган майдончадан 15 тадан ўсимлик танлаб олиниб, ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, бўғим, барг сони ҳамда дон, яшил масса чиқимини аниқлаш учун биттадан эгат ўриб олиниб, тарозида тортилиб, ҳисоб - китоб ишлари олиб бо-рилди. Қуруқ массани аниқлаш мақсадида кўчат масса учун ўриб олинган ҳар бир нав намунаси поясидан 1 кгдан намуна олиниб, очик ҳавода тўлиқ қуриш ҳолатигача келтирилиб, тарозида тортиб ўлчаш орқали аниқланди.



Тажрибада олиб борилган агротехник тадбирлар. Тажриба тадқиқотлари “Қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш-лаш ва маҳсулот етиштириш бўйича” намунавий технологик карталар [13; 65-б.] асосида тузиб чиқилди ва олиб борилди.

“Массино” нави уруғликлари лаборатория шароитида униб чиқиши, уруғ кучи қум солинган маҳсус идишларга 100 дон-дан, уч такрорланишда экилиб, термостатга 20-25С° қўйилиб, бир ҳафта мобайнида ва 1000 дон оғирлиги лаборатория